

## Таҳажжуднинг саҳиҳ ҳадисда келган вақти

08:06 / 03.01.2019 3716

Ассалому алайкум! Таҳажжуднинг вақтини қандай белгилай? Хозирги мавсумда тун узунроқ. 2). Таҳажжуд намозини ўқиб бўлгандан сўнг ухлашга ётсам бўладими? Бомдодни қазо қилмаган холда албатта. 3). Биз бошқа давлатдамиз хозир. Бу ерда шиаларнинг масжиди кўпроқ. Ишдан чиқиш вақтим шомга тўғри келмоқда. Намозни қазо қилмаслик учун уларнинг масжидида ўқиб олсам бўладими? Жамоаттан алоҳида албатта.

### "Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! 1). Хуфтондан кейин бамдод вақти киргунича ўқилган нафлнамозлар таҳажжуд ҳисобланади. Бамдоддан 1-2 соат олдин ўқисангиз суннатга мувофиқ бўлади.

2). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бамдоднинг фарзини ўқишдан олдин бироз мизғиб олардилар. Буни зарари йўқ, асосийси бамдод қазо бўлмаса бўлди.

3). Масжидда ўзингиз ёлғиз ўқишингиз мумкин. Валлоҳу аълам!